ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

ЛЕКСИК КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТИЛ ТАЖРИБАСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Арнамуратов Эргашбек Хаитиматович

ўқитувчи, РАНЧ университети Ўзбекистон, Урганч

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчиларнинг она тили, иккинчи тил (рус тили) ва ўрганилаётган чет тилидан тўпланган тил тажрибасини лексик кўникмаларни шакллантириш жараёнида ҳисобга олиш масалалари ёритилган. Мақолада тиллараро таъсирнинг икки асосий методик ҳодисаси – интерференция (салбий таъсир) ва транспозиция (ижобий таъсир)нинг моҳияти, шунингдек, уларнинг психологик асоси бўлган ассоциатив назария таҳлил қилинган. Ўқувчиларнинг мавжуд тил тажрибасидан келиб чиқадиган қийинчиликларни бартараф этиш ва янги лексик материални ўзлаштиришни самарали ташкил этиш мақсадида лингводидактик қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланишнинг методик асослари келтирилган.

Калит сўзлар: лексик кўникмалар, тил тажрибаси, интерференция, транспозиция, ассоциатив назария, ижобий ва салбий таъсир, лингводидактик қиёсий таҳлил, чет тили ўқитиш методикаси, кўп тиллилик

Замонавий таълим тизимининг асосий мақсади – рақобатбардош, эркин фикрловчи ва коммуникатив компетенцияга эга шахсни тарбиялашдир. Бу жараёнда тил дарслари, хусусан, лексик кўникмаларни шакллантириш марказий ўрин тутади. Лексика – тилнинг энг ҳаракатчан қатлами бўлиб, у орқали ўқувчи атроф-муҳитни таниб олади ва ўз фикрини ифодалайди.

Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, анъанавий ўқитиш усуллари кўпинча ўқувчиларнинг индивидуал тил тажрибасини (оиладаги мулоқот тарзи, яшаётган ҳудуди диалектлари, икки тиллилик ҳолати ва ҳ.к.) инобатга олмайди. Бу эса сўзларни механик ёдлашга, уларнинг маъносини тўлиқ тушунмасдан ишлатишга олиб келади. Шунинг учун ўқувчиларнинг мавжуд тил тажрибасини лексик кўникмаларни шакллантиришнинг ресурси сифатида қараш ва уни илмий асослаш долзарб аҳамият касб этади.

Академик лицейлар ва мактабларда она тили ва иккинчи тил (рус тили)дан ҳамда ўрганилаётган чет тилнинг ўзидан тўпланган тажриба хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларнинг тил тажрибаси уч тилдан йиғилган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси бўлиб, унинг ҳажми, қўлланиш кўлами, ўзаро боғлиқлиги масалалари методиканинг тил тажрибасини ҳисобга олиш принципи доирасига киради. Методикада тил тажрибасини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга бўлган методик ҳодисадир [3:39].

Тил тажрибасини ҳисобга олиш деганда, талабаларнинг шу кунгача ўзбек, рус, чет тиллардан олган билим, кўникма ва малакаларининг ҳозир ўрганилаётган чет тил материалини ўзлаштиришга салбий ёки ижобий таъсири тушунилади. Талабаларнинг тил тажрибаси чет тил ўрганишда ғов бўлиши (салбий таъсир — интерференция) ёки ёрдам бериши (ижобий таъсир —транспозиция) кузатилади [3:4].

Интерференция (салбий таъсир) — лотинча сўз бўлиб, «inter» орасида, ичида — «ferentis» кўчирувчи, ўтказувчи деган маъноларни биддиради. Яъни, салбий таъсир, номаълум кўчиш, тўсқинлик қилиш, ғов, кўникма ва малакаларни салбий натнжага олиб бориш тушунилади. Бунинг яққол мисоли инглиз тилидаги келаси ноаниқ замон (Future Indefinite tense) ўрганишда унинг қўлланиш (функцияси), ясалиш (шакли) ва маъноси (семантикаси)ни ўргатиш алохида методик ёндашувни талаб этади. Сабаби феъл замонининг қўлланиш ва маъноси

талабалар учун қийинчилик туғдирмайди, чунки грамматик ҳодисанинг «келаси замонда оддий иш ҳаракатни ифодалаши» ўзбек тилидан маълум.

Масалан: I will buy it tomorrow.

Мен уни эртага сотиб оламан.

Бундай ҳолат талабалар тил тажрибасидан олган билимлари ёрдамида чет тил ҳодисасини эгаллашга имкон беради. Ушбу феъл замонининг ясалиши эса ўзбек ва инглиз тилида бутунлай бир — биридан фарқ қиладиган ҳодисадир. Инглиз тилидаги икки сўз (ёрдамчи феъл-shall ва етакчи, асосий феъл-buy) феълларидан тузилган замон ўзбек тишда фақат битта сўздан иборат бўлади. Лекин талабалар тил тажрибаси таркибидаги мавжуд рус (иккинчи тил) тилидаги мактабда ҳосил қилинган кўникма ва малака бу ҳодисани ўрганишда ижобий таъсир (транспозиция)ини кўрсатиши мумкин.

Иккинчи методик ҳодиса бу транспозициядир.

Транспозиция (ижобий таъсир) ҳам лотинча сўз бўлиб, «transpositio», бошқа жойга кўчиш деган маънони билдиради. Яъни бу тушунча методикада ижобий таъсир, ижобий кўчиш, ёрдамга келиш, кўмаклашиш, ижобий натижага олиб борувчи билим, кўникма ва малаканинг кўчиши маъноларида талқин қилинади. Илмий изланишлар, муаллимларнинг педагогик тажрибасидан маълумки, чет тил таълимида уч хил ижобий кўчиш содир бўлади:

она тилидан чет тилига;

иккинчи тилдан чет тилга;

чет тилдан ушбу тилнинг ўзига (олдин ўрганилган ҳодиса янги ўрганилаётганга) ижобий таъсир кузатилиши мумкин [5:45].

Бу албатта, «ассоциация» деган психологик термин билан боғлиқдир. Психологияда ассоциация назариясига асосланган қатор эксперимент тадқиқотлар ўтказилган. Ассоциация деганда, инсон онгидаги турли тасаввурларнинг орасидаги боғланиш тушунилади.

Исталган бир тасаввур бошқасини қўзғаши мумкин. Маълум бир тасаввур шаклланган дан кейин, у узоқ, муддат сақланади ва инсон бирор вазиятга дуч келганда, олдинги тасаввур билан умумийлик ва муайян ўхшашлик бўлса, аввалгисини қўзғаши кузатилади.

Ушбу психологик назария чет тил ўқитиш методикасида қўлланибгина қолмасдан, янада ривожлантирилди. Ассоциатив назарияни тилларни алоқага киришиш муаммоларини ҳал қилишни ўз тажрибаларида И. И. Китросская экспериментдан ўтказди. Ассоциатив назарияни тил қийинчиликларига тадбик, этиш қуйидагиларни аниқлашга ёрдам беради:

- Чет тил ўрганишни илк кунларидан бошлаб, ўқувчилар тил тажрибаси (ТТ) тизимида ижобий ва салбий таъсир бўлиши тасдиқанди;

- Чет тил ўқитиш хусусий методикасини ишлаб чиқишда иккинчи тил (рус тили — ТТ2)нинг хусусиятларини ҳисобга олиш зарурияти исботланди;

- Талабалар ТТда юз берадиган ижобий ва салбий таъсирнинг тартиби ишлаб чиқилди.

Яъни, а) она тилидан иккинчи тилга (ТТ1дан ТТ2га);

б) она тилидан чет тилга (ТТ1дан ТТ3га);

в) ккинчи тил (рус тили)дан чет тилга (ТТ2дан ТТ3га);

с) она тили ва иккинчи тилдан чет тилга (ТТ1 — ТТ2дан ТТ3га) бўладиган ижобий ва салбий таъсир натижалари тахлил қилинди. Она тили интерференциясининг иккинчи ва ўрганилаётган чет тилдан устунлиги аниқланди [6:42].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабаларнинг тил тажрибасининг ижобий ёки салбий кўчишига чет тил ва она тили бўйича тиллараро ёки тил ички лингводидактик қиёсий тахлилига оид билимлар билан қуроллантириш уларнинг билиш, коммуникатив — таълимни ва амалий — режалаштирув вазифаларини ҳал этишга қаратилган малакаларни шакллантиришнинг муҳим шартларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джалалов Д. Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку. -Т.: Фан, 1987. -110 с
2. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 1996 й.
3. Зимняя И. А. Психология обучения иностранным языкам в школе. -М.: Просвещение, 1991, -222 с.
4. Рогова Г. Б., Рабинович Ф. М., Сахарова Т. Е. Методика обучения иностранным языкам в средней школе .-М.: Просвещение, 1991, -287 с.
5. Сатторов Т. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. Т.: ТДЮИ, 2003. -92 6
6. Содержание обучения иностранным языкам в средней школе. Организация речевой деятельности. -М.: Педагогика, 1984. -144 с.
7. Уайзер Г. М., Климентенко А. Д. Инглиз тилида оғзаки нутқни ўстириш. — Т.: Ўқитувчи, 1997. —160 б.